

Фтизиатрия мутахассислиги бўйича клиник ординатура қабули учун саволлар мажмуаси

1. Ҳозирги замонда Ўзбекистонда туберкулез касаллигининг эпидемиологияси ва туберкулезга қарши курашни ташкиллаштириш. Бу курашда УАШнинг роли.
2. Туберкулезнинг ёндош касалликлар (туберкулёз ва ҳомиладорлик, туберкулёз ва ўпканинг сурункали носпецифик касалликлари, туберкулёз ва рақ) билан келишининг замонавий тиббий ва ижтимоий муаммолари.
3. Туберкулёзнинг патогенези ва иммунитет феноменига ҳозирги пайтдаги дунёқараш.
4. Туберкулез касаллигининг шошилинич ёрдам талаб этувчи асоратлари. Буларни даволашда замонавий радикал ва яримрадикал усулларнинг ахамияти.
5. Ўзбекистонда туберкулезнинг диагностикаси ва уни ташкиллаштириш. Бунда УАШнинг роли. Туберкулезнинг бактериологик диагностикасининг мавжуд бўлган алгоритми. Сил таёқчасини аниқлашда энг ишончли ва самарадор текшириш усулини шархланг?
6. Сил инфекцияси ўчоғи деганда нима тушунилади? Энг хавфли сил инфекцияси ўчоғи нима ҳисобланади? Силнинг тарқалишига шароит яратувчи ижтимоий омилларга нималар киради:?
7. Нафас аъзолари туберкулезини даволашда замонавий хирургик усулларнинг қўлланилиши.
8. Хайвонлардан одамларга сил юқишининг олдини олиш чора-тадбирлариганималар киради? Силга қарши вакцинацияни ўтказиш учун диспансер қандай ишларни амалга оширади?
9. Ҳозирги пайтда силни ўз вақтида аниқланмаслигининг сабаблари нималар ҳисобланади? Туберкулезнинг бошқа ўпка касалликлари билан дифференциал диагностикаси.
10. Силда "суперинфекция" ва "Эндоген реинфекция" нимани англатади?
11. Туберкулездан касалланиш нима? Касалланишнинг қандай кўрсаткичларида аҳолининг сил билан касалланганлигини юқори деб айтиш мумкин?
12. ЖССТ мезонлари бўйича "Сил ҳолати"ни тушунтириб беринг? Сил ҳолати аниқланишининг туберкулезга қарши курашдаги ахамияти қандай? DOTS стратегиясида даволаш категориялари.
13. Болаларда силни аниқлашнинг ассосий усулига нима киради? Силга қарши кураш диспансерининг ишини ассосий чора-тадбирлари нималардан иборат?
14. Фтизиатр иш жараёнида фойдаланиладиган ассосий эпидемиологик кўрсаткичларни санаб ўтинг. Ўпка туберкулези қандай ривожланади ва у қанедай усуллар билан аниқланади?
15. Туберкулезга қарши БЦЖ вакцинацияси ва ревакцинацияси. БЦЖ вакцинаси нима? БЦЖ вакцинацияси ва ревакцинациясига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар? БЦЖ вакцинацияси ва ревакцинациясини соғлиқни сақлашнинг қайси тармоғи амалга оширади?
16. Силнинг тарқалганлиги қайси кўрсаткичларга асосланади? Сил билан касалланиш деб нимага айтилади?
17. Республикамизда замонавий сил классификацияси қандай тамоиллар асосида тузилган? Туберкулездан шикастланган ўчоқларда қайси хужайраларнинг тўпланиши силдаги яллиғланиш учун хос морфологик реакция ҳисобланади?
18. Туберкулезнинг диагностикасида туберкулинга нисбатан тери синамаси сезгирлигининг қандай роли бор? Туберкулинга нисбатан сезгирликнинг "вираж" тушунчасини ассосий мезонларини тушунтириб беринг.

19. Аспирацион -катетеризацион биопсия ёрдамида олинган биопсия материали қайси текширувлардан ўтказилади? Туберкулезнинг патологик анатомияси.
20. Ўпкадаги ўчоқли ўзгаришларнинг фаоллигини кўрсатувчи ишончли белгиларни санаб ўтинг. Кўкрак қафаси аъзоларини рентгенологик текширувлари натижаларининг ишончлилиги даражаси қандай?
21. Ўпканинг ўчоқли туберкулез беморларида касалликнинг рецидивланиш сабабларини санаб утинг.
22. Силнинг янги пайдо бўлган шаклларида ўпка геморрагиялари пайдо бўлишининг асосий сабаби нима?
23. Клапанли спонтан пневмоторакс нимаси билан хавфли? Диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари.
24. Нафас аъзолари силнинг казеозли некрознинг кальцинацияси ва инкапсуляцияси касалликнинг яхши оқибати ҳисобланадими ёки аксинчами? Кўкрак қафаси аъзоларини рентгенологик текширувдан ўтказилишининг нисбатан қандай афзалликлари бор?
25. "Бирламчи сил инфекциясининг бошланғич белгилари" тушунчасига нималар киради?
26. Провокацион Кох синамаси нималарга асосланади? Кох синамасининг қўйилишига кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар.
27. Бронхлар туберкулезининг диагностикаси қандай текширувларга асосланади? Бронхоскопик текширувларнинг турлари.
28. Экссудатив плевритнинг кечишини қандай босқичлари (даврлари) фарқланади? Диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари.
29. Эрта болалик даврида туберкулезни кеч аниқланишининг асосий сабаблари нималардан иборат?
30. Ўпканинг фиброзли-каверна туберкулезида кавернанинг девори қандай қаватлардан иборат? Фиброзли -каверна туберкулезининг кечиши, даволаш ва оқибати.Туберкулезнинг ривожланиш хавфини оширадиган ёндош касалликларни санаб ўтинг. Туберкулезни ёндош касалликлар билан келишида касалликнинг кечиши ва даволашнинг ўзига хос хусусиятлари.
31. Хомиладорлик даврида туберкулез касаллигининг кечиши ва химиотерапиясининг ўзига хос хусусиятлари.
32. Туберкулез инфекцияси сийдик ажратиш тизимига қайси асосий йўл орқали тарқалади? Патогенез ва патологик анатомия.
33. Сийдик ажратиш тизими туберкулезини аниқлашда қайси усул асосий деб ҳисобланади? Сийдик пуфаги туберкулезини аниқлашда қайси инструментал текшириш усули асосий деб ҳисобланади?
34. Туберкулез микобактериясининг суяк ва бўғимларга киришининг асосий йўли қайси? Патогенез ва патологик анатомия.
35. Суяк-бўғим туберкулезининг қайси шакли энг кўп учрайди?
36. Туберкулез спондилитининг энг кўп учрайдиган асорати?
37. Кўриш аъзоларига туберкулез микобактерияси тушишининг асосий йўли? Патогенез ва патологик анатомия.
38. Қайси диагностик усул периферик лимфа тугунлари туберкулезининг диагностикасида кўпроқ маълумот берувчи усул бўлиб хизмат қилади?
39. Туберкулез лимфаденитида кўпроқ учрайдиган асорат ва уни таърифланг. Периферик лимфа тугунлари туберкулезининг тузалиш мезонларини санаб ўтинг ва таърифланг?
40. Периферик лимфа тугунлари силида қайси кўрсатма жаррохлик йўли билан даволаш учун асосийси деб ҳисобланади?
41. Мия пардаларига туберкулез инфекцияси ўтишининг асосий йўли қайси? Патогенез ва патологик анатомия.
42. Туберкулез беморини комплекс даволаш тушунчаси ва вазифалари?
43. Қайси ҳолатларда туберкулез билан касалланган бемор амбулатор даволаш босқичига ўтиши мумкин?

44. Туберкулезнинг химиотерапияси нима? Химиотерапия самардорлигининг асосий шарт-шароити нимадан иборат?
45. Туберкулезни даволашда дориларга нисбатан турғунликни олдини олишнинг асосий йўллари:
46. Ўпка туберкулезини даволашда қайси коллапсотерапевтик ва коллапсохирургик усуллар қўлланилади?
47. Идиопатик спонтан пневмоторакс хақида тушунча беринг. Диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари.
48. Дориларга турғунликнинг турлари орасидаги фарқ нималардан иборат? Монорезистентлик, полирезистентлик, кўп микдордаги дориларга турғунлик (MDR TB), кенг микдордаги дориларга турғунлик (XDR TB).
49. Туберкулезнинг нозокомиал юқиш йўли нимани англатади ва уни олдини олишнинг усуллари қандай?
50. Клапанли спонтан пневмоторакс нимаси билан хавфли? Диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари.